



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎРИҚЛАШ САФ БЎЛИНМАЛАРИ НАРЯДЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Рашидов Дилмурод Мамирович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Магистратура тингловчиси, майор*

Аннотация: Мақола Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш саф бўлинмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, мақсади, ва вазифалари ҳамда саф бўлинмалари нарядларини тайёрлаш самарадорлигини ошириш бўйича чораларни аниқлашга бағишланган.

Аннотация: Статья посвящена определению правовой основы, цели и задач деятельности Национальной гвардии Республики Узбекистан, а также мерам по повышению эффективности подготовки строевых подразделений.

Annotation: The article is devoted to determining the legal basis, goals and objectives of the activities of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, as well as measures to increase the efficiency of training combat units.

Калит сўзлар: Қўриқлаш, қўриқлаш фаолияти, қўриқлаш хизмати ходими, саф бўлинмалари, наряд.

Ключевые слова: Охрана, охранная деятельность, офицер караульной службы, строевые подразделения, наряд.

Keywords: Guarding, guarding activities, guard service officer, line units, lineup.

Мамлакатимизда шахс, жамият ва давлатга тегишли объектларни ҳамда мол-мулкларни ишончли қўриқлашни такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича сўнгги йилларда кўплаб ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси куч ва тузилмалари давлатимизнинг иқтисодий барқарорлигининг асоси сифатида мамлакатда тадбиркорлик мухити яратилишини таъминлаш, шу жумладан мулкнинг барча турларини ишончли қўриқланишини таъминлаш вазифасини бажарадиган, шунингдек жамоат хавфсизлигини таъминловчи муассасалардан биридир.



Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш фаолияти соҳасида Кўриқлаш бош бошқармасининг хизмат фаолияти кўрилаётган хавфсизлик чоралари ҳажми ва ишончилиги бўйича фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек, шахсий хавфсизлигига жиноий тажовузларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича умуммиллий чоратадбирлар тизимида етакчи ўринни эгаллайди.

Келинг, шу ўринда кўриқлаш сўзининг асл маъноси ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Ўзбек тили луғатига кўра, “Кўриқлаш” тушунчасининг ўзи “кўрик” сўздан келиб чиққан бўлиб, “ҳимоя қилиш, мудофаа қилиш, сақлаш” деган маънони англатади. Демак, “кўриқлаш” сўзини “бировни, бирор нарсани тажовуздан сақлашга, ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлар” деган маънода тушунишимиз мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, “кўриқлаш” ва “кўриқлаш фаолияти” давлатнинг кўплаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни кўриқлаш фаолиятини амалга оширишда катта аҳамият касб этди. Чунки айнан мазкур қонун билан, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш, идоравий қоровуллик, идоравий ҳарбийлаштирилган кўриқлаш, кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ва бошқада кўриқлаш фаолияти билан боғлиқ тушунчалар кенг ёритилиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 январдаги Қарорига асосан Кўриқлаш бош бошқармаси Миллий гвардия таркибига кирди. Ушбу бошқарманинг мақсади жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш, хусусий ва давлат кўчмас мулкни кўриқлашдан иборат. Тизимни қайта ташкил этиш асосан функционал вазифаларни кенгайтириш, лавозим мажбуриятларини ўзгартириш ва бўйсунуш билан боғлиқ бўлди. Кўриқлаш тизимидаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4997-сон қарори асосида ўтказилаётган ислохотлардан кейин содир бўлди. Кўриқлаш хизмати субъектлари сифатида Кўриқлаш бош бошқармасининг ҳудудий бошқармалари ва шаҳар-туман кўриқлаш бўлинмалари ташкил этилиб, уларга мавжуд кўриқлаш хизматининг куч ва тузилмалари ўтказилди. Мазкур қарорда, белгилаб қўйилганки, Кўриқлаш бош бошқармаси мустақил таркибий



бўлинма ҳисобланади ҳамда ўз ваколатлари доирасида давлат объектлари, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини кўриқлаш бўйича вазифалар ва функцияларни кўрсатилаётган кўриқлаш хизматлари учун тушадиган маблағлар ҳисобига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, харажатларни қоплаш ва мустақил хўжалик юритиш тамойили асосида амалга оширади. Кўриқлаш бош бошқармаси куч ва воситаларини бошқариш тизими чора-тадбирларни амалга ошириш орқали такомиллаштирилади ҳамда бу борада саф бўлинмаларини туман (шаҳар) кўриқлаш бўлимлари сифатида қайта ташкил этиш амалга ошириш асосий ўрин эгаллади.

Бундан ташқари, “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси саф бўлинмалари, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган ҳарбийлаштирилган кўриқлаш, идоравий жиҳатдан тегишли бўлмаган қоровуллик бўлинмалари томонидан кўриқлашнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда кўриқлаш хизматларини, шунингдек кўриқлаш-техник хизматларни кўрсатади, дея белгилаб қўйилган.

Энди эса, Миллий гвардия кўриқлаш саф бўлинмалари нарядларини тайёрлаш самарадорлигини ошириш бўйича масалаларни кўриб чиқсак. Бунинг учун, аввало “наряд” сўзининг мазмунини ёритиб ўтсак. Демак, наряд – объект ёки унинг бир қисми кўриқланишини таъминлайдиган, моддий-товар бойликларни кузатиб бораётган, кўриқланаётган объектлардан тушган “ташвиш” хабарига тезкор таъсир кўрсатиш борасидаги тадбирларни амалга оширадиган кўриқлаш хизмати ходими (ходимлари). “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида ходимлар томонидан хизматни ўташ тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорида: “Навбатчилик вақтида наряд ходимларига навбатма-навбат овқатланиш ва қисқа муддатли дам олиш учун умумий давомийлиги уч сменалик режимда – олти соат, тўрт сменалик режимда – тўрт соат давом этадиган танаффуслар берилади. Смена тугагач, Навбатчилик қисмлари ва объектларни кўриқлаш нарядлари ходимларига ҳамда хизмат вазифаларини суткалик навбатчилик режимида доимий бажарувчи бошқа ходимларга белгиланган тартибда дам олиш берилади. Демак, бу борада саф бўлинмалари нарядларини тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун нималар қилиш керак ёки қандай чоралар кўриш зарур? Бунинг учун:



Биринчидан, саф бўлинмалари нарядлари учун ҳам жисмонан ҳам руҳан етарли шарт-шароитлар яратиш. Наряд ўтаётган қисмининг кундалик фаолияти, шахсий таркибнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жихатдан муҳофаза қилинаётгани, саф бўлинмаларида қарор топган ҳуқуқий тартибот ва интизом ҳолатига оид ҳужжатлар мазмуни билан танишиб бориш;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси саф бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, саф бўлинмалари нарядлари ва уларнинг оила аъзолари, шунингдек, пенсионерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини кучайтириш;

Учинчидан, соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалаларга оид жамоатчилик ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан билдирилган таклифларни, фикр-мулоҳазаларни ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш, ижтимоий сўровномаларни, жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат вазифасини ўташ;

Тўртинчидан, саф бўлинмалари нарядларининг фаол ҳаётий позицияси, Она Ватанга садоқат, унинг тақдири ва равнақи учун дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, оммавий маданият, ахборот-психологик хуружларга қарши миллий мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан шахсий ривожланиш учун ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Бешинчидан, ходимларни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, Ватан ва халқ олдидаги бурчи ҳамда мажбуриятларини виждонан бажарадиган, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга қодир баркамол шахс этиб тарбиялаш борасидаги аниқ мақсадли ишларни мувофиқлаштириб боришда иштирок этиш;

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси саф бўлинмалари нарядлари истиқомат қиладиган жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари, маданият маркази, кутубхона, маиший хизмат хоналари, тиббиёт пунктлари, спорт зали, ошхона, ётоқхона, ўқув хоналари, амалий машғулотлар ўтказиш ўқув марказлари ва полигонлар ҳамда наряд ўтайдиган ҳудудларни замонавий техника-технологиялар каби шароитлар билан таъминлаш керак, деб ҳисоблаймиз.



Демак, саф бўлинмалари нарядларини тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун, аввало, уларнинг хизмат ўташ шарт-шароитларини яхшилаш бўйича тегишли дастурларнинг бажарилишини комплекс таҳлил қилишда иштирок этиш, ушбу дастурларнинг амалга оширилиши юзасидан самарали кенг қамровли ишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳар бир хизмат вазифасини ўтаётган саф бўлинмалари нарядлари қулай ва шинам шарт-шароитларда ва юқорида биз санаб ўтган ҳолатларда бажарадиган бўлса, албатта масъулият ҳисси яна ҳам ортган бўлади, бу эса хизмат самарадорлигини ва сифат ошишида катта роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 20.02.2021й. ПҚ-4997сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни.
4. “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида ходимлар томонидан хизматни ўташ тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.
5. Мадвалиев А. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, (2006-2008).

Электрон манбалар:

1. <https://lex.uz>
2. <https://ziyouz.uz/>